

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Тасвир

№ 11 — 12

(2652 — 2653)

1994 йил

11 ФЕВРАЛЬ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРХДА

ҲАММАСИ РАҲБАРГА БОҒЛИҚ

“— Мақсадимизга етиш учун нима керак деб сўралса, авваламбор эл-юртимизга инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раҳбарлар, фаоллар керак, эл-юрт обрўси учун, Ватанимиз манфаати учун жонини тиккан жонкуяр камарбаста раҳбарлар керак. Қани энди шундайлар ҳар қайси вилоятда, туманда кўпроқ бўлса, дер эдим” — куйиниб айтган эди Президентимиз. Дарҳақиқат, раҳбар жонкуяр бўлсагина ишда ижобий натижаларга эришилади. Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти бунга алоҳида эътибор билан қарамоқда. Яқинда шаҳар ва туман ички ишлар бўлимлари раҳбарларини

шаҳодатдан ўтказиш тадбирида бу нарсга яққол сезилди. Бир пайтлар шаҳодатлар кўриги баёзи ҳолларда номтагина ўтказилишини яширишнинг ҳожати йўқ. Бу сафарги тадбирда эса танқидий руҳ ҳукм сурди. Бўлим раҳбарларининг 1993 йилдаги иш натижалари муҳокама қилинди. Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишдаги камчиликлар очикдан-очик айтилди. Йўл қўйилган нуқсонларни бартараф қилиш юзасидан йўл йўриқлар берилди.

М. НАВРЎЗАЛИЕВ,
Хоразм вилояти ИИБ матбуот
гуруҳи йўриқчиси, милиция
катта лейтенанти.

Бугунги сонда:

2-бет
Муштарийлар “КАСБ ОДОБНОМАСИ” ҳақида
4-5-бетлар
Ҳафталик телекурсувлар дастури.
6-бет
ФАРЗАНДЛАРИНГИЗГА МЕХР-ОҚИБАТЛИ БЎЛИНГИЗ, ОДАМЛАР!

ФАХРИЙЛАР ЙИГИЛИШИ

Яқинда Қарши шаҳар уруш ва меҳнат фахрийларининг 5-пленими бўлиб ўтди.

Пленумда шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгашининг раиси, истеъфодаги милиция полковниги М.Жўраев ҳисоботи тингланди.

Нотик ўз нутқида ўтган йилда уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаши томонидан бажарилган ишлар хусусида сўз юритди. Жумладан, шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгашининг 964 аъзоси бўлиб, ўтган йилда шулардан 47 нафар фахрий турли оромгоҳларда дам олиб қайтди, 21 фахрий уй-жой

билан таъминланди, 81 киши эса телефонли бўлди.

Гапираверса гап кўп. Муҳими, Қарши шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаши ўз ишини билиб, намунали олиб бормоқда.

Ўтган йилда шаҳар фахрийларига бир ярим миллионга яқин миқдорда моддий ердан кўрсатилган.

Пленум ишида вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгашининг раиси С.Усмонов ва Қарши шаҳар ҳокими М.Маҳмудовлар иштирок этишди.

Ў. ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё.

ХУШКАЙФИЯТ БИЛАН БОШЛАНГАН ҲАФТА

Маърифат дарсида



Жамиятимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеалардан ўз вақтида хабардор бўлиш, айниқса Республикамиз Ҳукумати томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг асл моҳиятини туғри ва теран англаш ички ишлар ходимлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, ички ишлар

вазирлигида ҳар душанба кунги ўтказилаётган маърифат дарсларининг янада сермазмун ва ходимлар учун фойдали бўлишини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, мазкур дарс соатларини мароқли ва қизиқарли ўтказиш мақсадида

вазирлик шахсий таркиб билан ишлаш Хизмати томонидан Республикамизнинг кўзга кўринган ва элга танилган машҳур олим, ёзувчи ва шоирларининг таклиф этилиши бунинг яққол далилидир.

Ўтган душанба кунги маърифат дарсида халқимизнинг сеvimли шоири Эркин Воҳидов ва “Чўлпон” нашриятининг бош муҳаррири шоир Анвар Обиджонлар иштирок этишди. Э.Воҳидов нафақат ўзининг шеърлари, балки мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида дадил одимлаётган Ўзбекистонимизнинг давлат арбоби, яъни Республика Олий Кенгаши Ошкоралик қўмитасининг раиси сифатида ҳам бугунги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар хусусидаги теран фикрлари билан ходимларимиз диққатини ўзига тортиди. Ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатнинг одил ва ҳаққоний эканлигини қайд этиб, бу йўлда ички ишлар ходимлари ҳам келажаги буюк юртнинг толмас курашчилари бўлиб, халқимизга фидокорона хизмат



қилишлари зарурлиги туғрисида фикрлар билдирди. Шунингдек, учрашувда ҳажвчи адиб, шоир Анвар Обиджон ҳам қатор ичак-ўзди “хангомалар”дан ўқиб бериб, ходимларимиз дилини хушнуд этди. Учрашув ходимларда яхши таассурот қолдирди. Муҳими янги иш

хафтаси хушқайфият билан бошланди.

Ш. РЎЗИЕВ,
ИИБ матбуот маркази ходими.

СУРАТЛАРДА: Маърифат дарсидан лавҳалар.
Х. ШОДИЕВ олган суратлар.

УЧКЎПРИКДА СЕМИНАР-КЕНГАШ

Яқинда Учкўприк тумани ички ишлар бўлимида Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан жиноят қидирув ходимларининг жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш масалаларига бағишланган туманлараро семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Семинар-кенгаш ўтказиш учун айнан Учкўприк тумани танлангани бежиз эмас. Бу туман ИИБ ходимлари жиноятнинг олдини олиш ва унга қарши курашда вилоятда етакчи ўринни эгаллайдилар. Жиноят-қидирув йўналиши бўйича 1993 йилда вилоятда биринчи ўринга чиқиб олишди. Ўтган йили туман ҳудудида 86 та фуқаролар мулкни, 17 та давлат мулкни ўғирлаш, 3 та қотиллик, 1 та оғир тан жароҳати етказиш ва бошқа жиноятлар содир этилди. Жиноятларнинг очилиши эса 96 фоиздан юқори бўлди. Оғир жиноят турларини бир мунча камайитиришга эришилди.

Ички ишлар бўлими ходимлари томонидан жиноий гуруҳлар қўлга олинди. Ўтган йил декабрь ойининг ўзида жиноятчилардан 50 килограммдан ошқ наша олинди жиноятчилар жавобгарликка тортилди.

Ички ишлар бўлими раҳбарияти томонидан туман ҳудудида ўтказилган “Тун”, “Комплекс” ва бошқа бир қатор тадбирлар самарали бўлди. Тадбирлар икки сменада ташкил этилди ва тунги гуруҳлар мунтазам иш олиб борди. Кўплаб жиноятчилар айнан шу гуруҳлар томонидан жиноят устида қўлга олинди, қимор ўйналиши мумкин деб тахмин қилинган жойлар доимий назорат остида бўлди, қиморбозлик билан шуғулланувчи кўплаб шахслар ўзин устида ушланганлар ва уларга нисбатан жиддий чоралар кўрилди.

Дўконлар, омборлар ва бошқа қимматбаҳо бойликлар сақланадиган жойларда ишловчи қоровуллар хушёрликлари ҳам мунтазам назоратдан четда қолмади. Ўз ишига совуққон ва бепарво бўлган шахсларни ҳатто вазифаларидан четлаштиришга эришилди. Содир этилган кўплаб жиноятлар тезкор ҳаракатлар натижасида қисқа фурсатларда аниқланди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси уюшган жиноятчиликка ва коррупцияга қарши кураш бўлими бошлиги, милиция подполковниги Х.Ҳазратқулов семинар-кенгаши

очди. У вилоят миқёсида содир этилган жиноятлар ва олиб борилган ишлар туғрисида сўзлаб, учкўприкликлар тажрибасини ўрганиш барча жиноят-қидирув ходимлари учун фойдадан холи бўлмаслигини таъкидлади.

Шундан сўнг Учкўприк тумани ички ишлар бўлими бошлиги, милиция подполковниги Неъматжон Холматов “1993 йилда туман ҳудудида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда амалга оширилган ишлар ва ҳозирги вазият” туғрисида маъруза қилди.

Учкўприк тумани ИИБ бошлигининг тезкор ишлар бўйича ўринбосари, милиция майори Ҳ.Қўйилев, туман ИИБ ЖОЎХБ бошлиги, милиция катта лейтенанти Р.Тожибоев, вилоят ИИБ уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлими катта нозир Д.Тошбоев ва бошқа кўпгина ўртоқлар минбарга кўтарилиб, ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Семинар кенгаш йирилганларда катта таассурот қолдирди.

Муҳиддин ИСРОИЛОВ,
Учкўприк тумани
ИИБ ходими,
милиция капитани.

ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

Урганч туманидаги С. Қаландаров номли жамоа ҳўжалигининг 3-бригадасида яшовчи фуқаро Зумрад Х. ўз томорқасининг 21 квадрат метрига кўкнори экиб ўстирди. Тақиқланган бу экинни туман ИИБ кўриқлаш бўлими ходимлари аниқлаб, ҳўжатлаштирилди ва экинлар йўқ қилинди.

Фуқаро Г. Қаландарова “Тошкент-Нукус” поездиде келаётган эди. Бир маҳал Урганчда тушмоқчи бўлиб юкларини бориб қараса, қўйган жойида йўқ. Ўғри урибди. Поезддан туша солиб Урганч темир йўл милициясига бу ҳақда хабар қилди.

Шу кун Ирганч шаҳар ИИБ кўриқлаш бўлими ходими, милиция сержанти Санъат Қутлимуротовга шўбхали икки ўспирин учраб қолди. Сумкаларга қараганда ўғирланган буюмларга ўхшарди. Милиционерни кўрган болалар қочиб қолишди. Милиционер уларни қувиб бораркан тўхташларини талаб қилди. Аммо қўлга тушишдан қўрққан ўғирлар сумкаларини ташлаб қочишди. Улар ИИБга келтириб жабрланувчига кўрсатилганда утўйга атаб олган нарсаларини, сумкасини таниди ва милиция ходимларига раҳмат айтди. Жуфтаникни ростлаган ўғирлар ҳам қўлга олинди. Улар Хонқа туманидан — 1968 йилда туғилган Раҳман Р. ва 1972 йилда туғилган Мақсуд Х. эканлар. Шундай қилиб, ўғирланган жами 118 минг сўмлик мол уларга насб қилмади.

Хива туманининг деҳқон бозорида кўриқлаш бўлими ходими милиция сержанти Рустам Нисматов хизмат постиде эди. Тасодифан у бир шахсининг фуқаро Мудира Матқурбонова қўлидаги сумкадан бир нимани ўғирлаганини кўриб қолди ва ўғрини жиноят устида қўлга туширди. Ўғри икки дон “Адиас” спорт формасини ўғирлаган Шоназар С. экан.

Хива шаҳар ва туман ИИБ кўриқлаш бўлими милиционерлари Бозорбой Эгамов ва Ибодулло Бекқоновлар тунда хизматни ўтаб юргандилар. Шунда уларга велосипеднинг орқасига қоп юклаган тўрт нафар шахс дуч келди. Улар текшириб кўриш учун тўхтатилганда қочишмоқчи бўлишди. Милиционерлар ҳам бўш келишмади, уларни ИИБга келтиришди. Шунда ҳаммаси ойдин бўлди қолди. Бу тўртловон Султон С. Раҳман А. Ражаббой Ж. ва Шавкат С.лар бўлиб, уларнинг қопида 3 кило 700 грамм гнөхванд модда — марихуана (банг) бор экан.

Туямуин сув иншоотларини кўриқлаш вазоди милиционерлари — милиция сержанти Саъдулла Бобоев ва милиционер Фарҳод Ҳайитовлар постда машина йўловчисини текшириб кўришди. Текшириш пайтида йўловчи Ҳазорасп туманидаги “Дўстлик” жамоа ҳўжалигинда яшовчи 1942 йилда туғилган Султон Ж.нинг сумкасида 7 кило кўкнори уруғи борлиги аниқланиб, ИИБга келтирилди.

К. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
милиция майори, Хоразм.

А к с - с а д о

ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛАДИ

1994 йил 14 январь куни "Постда" газетасида ички ишлар вазирининг 446-сонли буйруғи билан тасдиқланган ички ишлар идоралари ходимларининг "Касб одобномаси" эълон қилинди. "Касб одобномаси"да қайд этилган 14 банднинг ҳаммаси ички ишлар бўлимининг шахсий таркиби ходимлари орасида чуқур ўрганилиб, кенг муҳокама қилинди ва кўтаринки руҳда қўллаб-қувватланди.

Хозирги даврда ички ишлар идораларининг тезкор хизмат фаолиятини тўғри ва унумли ташкил этишда "Касб одобномаси" муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Собиқ ССЖИ ИИВнинг 1969 йилдаги "Фуқаролар билан мулоқотда эътиборли ва ҳушмуомалали бўлиш" деб аталган 235-сонли буйруғи ўша давр талабига қисман жавоб берар, бироқ тор маъноли бўлиб, милиционер ва оддий фуқаро муомаласига доир нормалар келтирилганди, ҳолос.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари шахсий таркибини замон талабига жавоб берадиган даражада тарбияловчи курул — "Касб одобномаси" шу соҳада ишловчи минглаб йигит-қизларимиз учун асосий ҳаёт қомуси бўлиб қолади.

Милиционер-тинчлик посбони. У ерданга муҳтож кишига ҳар томонлама ердан беришга доимо тайёр бўлмоғи, бунинг учун у ўзини ҳам жанговар, ҳам жисмоний жиҳатдан чинқириб бориши лозим. Милиционер ҳар бир фуқарога, биргина қонун нуқтаи назаридангина эмас, балки одамийлик жиҳатидан ҳам муомалада бўлиши шарт деб ўйлайман. Ҳатто ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан ҳам қўполлик қилмаслиги лозим. Хизмат бурчини ҳалол, сидқидилдан бажарган, уни севган ҳар бир ходимнинг келажаги порлоқ бўлади. Мансаб кетидан қувиш, лавозим танлаш йўлида лаганбардорлик, ҳушомадгўйлик

қилиш каби салбий хислатлар Ўзбекистон милицияси ходимларига ёт бўлмоғи лозим.

Милиция ходими ҳаракатларига қараб фуқароларимиз нима тўғри-ю, нима нотўғрилигини англаб олади, яъни милиционер одоб ойнаси бўлмоғи керак.

Бунинг учун милиция ходимлари кўпроқ халқ орасида, корхоналарда, ташкилотларда, маҳаллалар, тўймаъракаларда бўлиб туриши лозим.

Милиционер оиласи бошқа касб эгалариникидан тубдан фарқ қилади. У ўз муаммолари ва дарду ташвишлари, ўзига хос романтикаси билан гўзалдир. Туну кун хизматда юрган милиционернинг ҳар доим ҳам оиласига, унинг камчилигини битказишга вақти бўлавермайди. Албатта, бунга йўл қўймасликка ҳаракат қилиш даркор. У оддий милиционерми, еки генералми, ўз умр йўлдоши, фарзандларига вақт ажрата билиши, уларнинг бошини силаши, ғамхўрлик қилиши лозим. Акс ҳолда нотинч оилали ходимнинг иши ҳам, ҳуқуқ-атвори ҳам ўлда-жўлда бўлади.

Қолаверса, милиция ходимлари — у ким бўлишидан қатъи назар, ўзидан илгари ишлаб кетган ИИВ

нафақадорлари, хизмат вазифасини адо этишда ҳалок бўлганлар ҳаққи-ҳурмати фақат олижаноб фазилатли инсон бўлмоғи лозим.

Бекобод шаҳар ички ишлар бўлимининг фахрланса арзийдиган ходимлари, урф-одатлари ва жанговар тарихи бор.

Афғонистон Республикасида байналмилал бурчини адо этаётиб ҳалок бўлган милиция капитани Неъматжон Мўминовнинг жасорати ҳақида ҳикоя этувчи ҳужжатлар, фахрийлардан Исроил ака Мўминов, Эшказак ака Бўронов, Зинур Катамов, Мархабой ака Элибоевларнинг кўп йиллик иш тажрибалари ешларимизнинг келажақда софдил, матонатли бўлиб етишишларида муҳим роль ўйнапти.

Буюк боболаримиз Амир Темур, Алишер Навоий сўзи билан айтганда, тартиб посбони "одамларнинг нақши" бўлмоғи, ғамхўр, соф виждонли, ширинсухан, гўзал дунёқарашли, метин иродали ва жасоратли жангчи, халқпарвар ва меҳнатсевар инсон бўлмоғи лозим.

М. МАҲКАМОВ,
Бекобод шаҳар ИИБ бошлиғи,
милиция полковниги.

З А Р У Р Ҳ У Ж Ж А Т

Вилоятимиз ИИБда ўтказилган маърифат дарсида ходимларимиз "Постда" газетасида чоп этилган "Касб одобномаси"ни муҳокама қилдилар. Уни бизга шахсий таркибни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бўлимаси бошлиғи, милиция майори М. Кимсанбоев ўқиб берди.

Очиғини айтиш керакки, "Касб одобномаси" ҳар томонлама чуқур ўйлаб ишлаб чиқилган, пул жиҳатдан у ходимларимизда катта қизиқиш уйғотди.

Милиция ходимининг одобни, унинг касб маҳорати, ўз халқига садоқати нафақат унинг ўзи, оила аъзолари яшаб турган жойи, балки бутун халқимизнинг фахридир.

Мен "Касб одобномаси"ни ўз вақтида эълон қилинган зарур ҳужжат деб ҳисоблайман. Уни билиш ва амал қилиш барча милиция ходимининг бурчидир.

О. ЖўРАЕВ,
милиция лейтенанти, Фарғона.

МУҚАДДАС БУРЧ

Ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида янги-янги ишлар юз берапти. Мустақил Ватанимизнинг иқтисодиётини ривожлантириш, юрт тинчлиги, эл осойишталигини сақлаш ҳамда ҳар бир фуқаронинг ўз ишига бўлган масъулиятини оширишга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Яқинда Ички ишлар вазирлиги Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Республика Ички ишлар Вазирининг буйруғи билан тасдиқланган "Ички ишлар идоралари ходимларининг КАСБ ОДОБНОМАСИ" бунга ерқин мисолдир.

Ўзбекистоннинг ҳақиқий милицияси қандай бўлиши керак? Унинг юриш-туриши, ахлоқи, инсонларга нисбатан муносабати қай йўсинда шаклланади?

Шу каби муҳим омиллари белгилаб берган ушбу ҳужжатда милиция ходими халқимизнинг миллий анъана ва урф-одатларига таянган ҳолда қадриятларимиз ва тарихий меросларимизни ардоқлаш, еши улуг кишиларга нисбатан ҳурматда бўлиш, ўзидан тажрибаси ортиқ бўлган ходимларнинг танқид ва танбеҳларини тўғри қабул қилиб, мавжуд камчиликларни йўқотиш борасида ўз устида тинимсиз ишлаши лозимлиги

таъкидланган. Шу сабабли ҳам унда инсонийлик, ўз касбига садоқат каби фазилатлар илгари сурилган. Жумладан "Касб одобномаси"да шундай сатрлар бор:

"Она-Ватанимизга муҳаббат, халқимизга чексиз садоқат кўрсатади. Миллий қадриятларимиз ва тарихий меросларимизни чуқур ҳурмат қилади, ўрганади, тарғиб қилади. Республикаимизнинг порлоқ келажагига ишонч билан қараб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда фидоийлик кўрсатади. Ҳалоллик, камтарлик, пок виждонлилик каби фазилатларга эга бўлиш билан бирга ўз дунёвий билим савиясини ва касб маҳоратини тинмай ошириб, маънавий камолат йўлидан боради".

Шуни таъкидлаш лозимки, Ички ишлар ходими фуқароларга ҳар томонлама ўрнак бўладиган, доимо халқ орасида юриб, зарур пайтда кишиларга ҳуқуқий ердан кўрсатишга қодир, ҳар қандай ҳолатда уларга йўл-йўриқ кўрсата оладиган бўлмоғи лозим. Бундан ташқари одобномада айтилишича ҳақиқий милиционер юқори савияли, яхши тарбия кўрган, иродаси мустаҳкам бўлиши билан бирга, у "...юксак маданият соҳиби-

дир".

Мамлакатимизда ҳуқуқий жамият барпо этаётган эканмиз, Ички ишлар ходимига, мазкур ишда фаол иштирок этишдан ташқари, бу соҳада эришилган натижалар, қўлга киритилган ютуқларни ҳимоя қилишдек маъсулиятли вазифа юклатилган. Уни адо этишда эса ходимдан чуқур касбий маҳорат ва жисмоний тайёргарлик талаб этилади.

"Ички ишлар идоралари ходими жисмонан чиниққан, замонавий кураш, олишув, ҳимоя йўллари ва усулларини мукаммал эгаллаган, мустаҳкам иймон-этиқодли, жинсий унсурларнинг фойдаланиши мумкин бўлган ҳаракат услуби, пинхона иш қоидалари, ишлатиши мумкин бўлган курул ва бошқа воситалардан яхши хабардор бўлиши лозим." деган жумлалар Ўзбекистон милициясининг нималарга қодир бўлиши зарурлигини кўрсатувчи шартларидан биридир.

Дарҳақиқат ўта чуқур маънони ўзига жо қилган, ҳар бир милиция ходими учун асосий дастур ҳисобланмиш бу одобнома одамнинг қарийб ярмига ҳукмронлик қилган буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг "Куч адолатдадир" деган олийжаноб шиорини ўзига асос қилиб олгандир. Шу сабабли ҳам у ходимлар зиммасига адолатсизликнинг турли кўринишларига қарши беаёв, мурасиз кураш олиб бориш, жамиятимизда қонун устуворлигини, ҳар қандай гайриқонуний ҳаракат учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш ишига бор куч ва имкониятларини сафарбар қилишдек муқаддас бурч юклайди.

Абдулла СОДИҚОВ,
Ички ишлар вазирлиги
Матбуот маркази нозир,
милиция лейтенанти.

Алишер Навоий таваллудининг 553 йиллигига

“КЎНГИЛ
ЎРТАНСУН АГАР...”

Тарихдан маълумки, мумтоз адабиёт вакиллари ўзларидан аввал яшаган еҳуд замондош бўлган ижодкорлар яратган асарлардан илҳомланиб, ўша асар негизига ҳам қалам тебратганлар. Масалан, Фурқат еки Нодирабегим Навоий ижодидан кўп баҳра олган бўлсалар, ҳазрат Навоий Ҳофизу Жомий ижодини юксак намуна билганликлари бизга маълум. Еки буюк "Ҳамса"нинг яратилиш жараёнини эслайлик.

Ҳазалиётда эса тазмин (татаббуъ, назира), мухаммас усуллари ўтмишда кенг тарқалган.

Аждодлар анъанасидан илҳомланиб, мен ҳам Ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг 553 йиллик санаи муборақлари муносабати билан у зоти шарифнинг "То сенингдек..." деб бошланувчи "Бордур манга" радифли ғазалига мухаммас боғлаб ҳамда "Кўнглим ўртансун агар..." деб бошланувчи машҳур "Айласа" радифли ғазалига татаббуъ езгандим. Буларнинг баҳоси муштарийларга ҳавола. Ўзим эса бу мухаммас ва татаббуъни улуг бобомиз салоҳиятига бўлган чексиз ҳурматимнинг яна бир кичик бўлаги, деб биламан.

НАВОЙГА ТАТАББУЪ

"Кўнглим ўртансун агар гайрингга парво айласа",¹
Гайри дил ҳам, эй нигор, ёдинг-ла ғавго айласа.

Булхаваслик² айласам, арвоҳи Мажнун урсину
Сенга ҳам кимки келиб Мажнуне даъво айласа.

Кўларимда қолмасин нур ўзгага суқланса гар,
Ўзга кўз ҳам ой юзингга, баски, яғмо айласа.

Гайри исмиң тутса гар пайкон қадалсун тилга ҳам,
Қай лисон³ ҳамки сенинг исмингги имло айласа.

Ўзга дилдор шавқда тутсам қалам синсун қўлум,
Ўзга шоир илки⁴ ҳам мадҳингни иншо айласа.

Чикқани жон яхшидур ўзгага банд бўлгунча дил,
Ўзга жон ҳам, ки ўзини сенга шайдо айласа.

Ёдинг татаббуъ, Дўлмурод, нежаб ушбу сени
Элга номдор этса ё номингни расво айласа...

1. Навоий ғазалидаги илк мисра.
2. Булхавас — сохта ошиқ.
3. Лисон — тил.
4. Илк (ёки илик) — қўл.

НАВОЙ ҒАЗАЛИГА
МУХАММАС

Содда кўнглум бандлагон айерас¹ бордур манга,
Ишқидин бир, макридин юз пореа бордур манга.
Сен деганда қатлидин ишореа бордур манга,
Биллаҳ, ар ўлмақдин ўзга чореа бордур манга?²

Сўйладим арз, аввали ҳар сўзима гўш айладинг,³
Гоҳе-гоҳе жилмайиб, кўнгулни ҳам хуш айладинг,⁴
Шул жавобму ё вафосизлиг туниң пўш айладинг,⁵
Нўши жон-ҳар бодаким, аҳбоб ила нўш айладинг,
Гарчи ҳаргиз демаринг оворае бордур манга.

Ўртада хижрону, ваҳ, ёр бир тараф, мен бир тараф.
Олса рўйидин ҳижоб кўзлар қамашгай бир қараб,
Тенгри, дерман, ки ани мен деб яратмишму, ажаб —
Васли иқболию мен, хайхот, басдур бу шараф,
Ким, йироқдин давлати наззореа бордур манга.

Қилди яғмо кўнглими ташлаб нигоҳин мисли чўғ,
Ул нигоҳ пайконидин энди омонлиг манга йўқ,
Ҳоли забунимни кўруб, жилмайиб ул хўби шўх —
Деб эмиш ҳар кимда бор захме, отай марҳам бир ўқ,
Шукур эрурким, ҳар сари мў⁶ ерае бордур манга.

Моҳ демасмен, андин ортуқ ернинг жамоли, кўрунғ,
Икки ёйдур аслида, ки икки ҳилоли, кўрунғ,
Тил деди: "Шамсинг шудир". Оҳ, келди малоле, кўрунғ —
Борди ул хуршеду, ашқим оқти, ваҳ, толеъ кўрунғ
Ким не янглиғ ахтари сайёрае бордур манга.

Ҳажри бирла қолдиму бўғзимга бир фарёд келиб,
Дарди хижрондин жафолар тоғи зуд бунед келиб,
Хотири ҳар лаҳзадаким, хотиримга ед келиб —
Сабр солдим кўнглима васлинг тилаб, ваҳ, бот келиб
Турфа кўрким, шиша ичра хореа бордур манга.

Йўқ эрур, эй Дилмурод, бу бошу жондин ғам-кадар,
Ман, ки муштум ишқ йўлига, борса-қайтмас бу сафар,
Хонумонимдин кечуб, ўт ичра киргонмен куяр,
Эй, Навоий, куймакимни қилмагайсан маън, агар
Жон аро билсанг не оташпореа бордур манга.

Дилмурод САЙИД.

1. Сўз охирида "е" ҳарфини қўллаш-асосан фёрс тилшунослигига хос кўриниш. Бу ҳарф қўшилган сўз ўзбекчада "қандайдир", "бир" каби сўзлар билан қўлланилади.
2. Масалан: ишореа — бир ишора (қандайдир бир ишора).
3. Мисранинг мазмуни: Ўлмақдан бошқа бир чора борми менга?
3. Гўш айладинг — тингладинг;
4. Пўш айладинг — кийдинг.
5. Сари мў — соч толаси
- (сўзлар изоҳи бизники — Д. С.)

ТАЛАБЧАНЛИКНИ ОШИРАДИ

"Постда" газетасида берилган "Касб одобномаси" саҳифасини бошқалар қатори мен ҳам қизиқиб билан ўқиб чиқдим. Ун тўрт банддан иборат "Касб одобномаси" ҳар томонлама ўйлаб тузилганлиги билан эътиборимни тортиди. Шу ўринда айтмоқчиманки, одобнома ҳар бир ходимга сингдирилиши, керак бўлса ёллатилиши зарур.

Дарҳақиқат, ички дунёси гўзал одамнинг юриш-туришнго, муомаласи ҳам гўзал бўлади. "Касб одобномаси"да милиция ходимларининг қандай қилиш бўлиши кераклиги очик-равшан ифодааланган.

Яна бир жиҳати шунидаки, биз оддий фуқаролар "Касб одобномаси" орқали милиция ходимларидан маданиятга бўлишини талаб қила оламиз.

М. ЮСУПОВ, Фарғона давлат драма ва сатира театри актёри.

Хизмат жойи — ички қўшинлар

Ички қўшинлар олдидан турган катта ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш кўп жиҳатдан зобитларнинг ижтимоий-сиёсий етуқлигига, сардорлар ва шахсий таркиб билан ишлаш бўйича зобитларнинг ўз имкониятларидан

жангчиларнинг эҳтиёжларини ақс этирадиган собиткадам тус олган ҳозирги ўқув йилидан бошлаб тингловчиларнинг машғулотларга бўлган қизиқиши анча ошди. Бунда ўрганилаётган масалаларнинг долзарблигини очиб бераётган гуруҳ

қўшилмасдан бўлмади. Музейда ўтган йилларнинг жонли тарихидан ҳикоя қилувчи ашёлар тўпланган.

Музейнинг илмий ходими Л. Бирюкова ўлканинг кейинги етмиш беш йиллик тарихи ҳақида ҳикоя қилиб берди, фахрийларнинг

катнашган жасур жангчи, старшина Илья Тяпугинга бағишланган кўргазма эътиборни ўзига тортди.

Музей ходимининг ҳарбий техника ва қурол-яроғларнинг такомиллаштиш тарихига доир ҳикояси қизиқарли бўлди.

Зобитларнинг юзларидан машғулот ўз мақсадида эришганини кўриш мумкин эди. Шубҳа йўқки, зобитлар ўз қисм ва бўлинмаларига қайтиб бориб, музейда кўрган ва эшитган нарсаларини аскарларга етказадилар, жангчиларни Ватан ҳимояси учун қон тўккан кишилардан матонатда намуна олишга чақирадилар.

Юртимиз тупроғи муқаддасдир, ота-боболар хотирасини эсдан чиқармайдиган ва эъзозлайдиган кишиларгина уни ҳимоя қила оладилар. Шу сабабли тарбиявий ишнинг ҳарбий хизматчилар билан ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий машғулотлар сингари шайли ҳам Ватаннинг муносиб ҳимоячиларини тарбиялашга хизмат қилади.

БИР ОИЛА БУЛИБ

Пропоршчик Халил Очилов бўлинмада яқунлар чиқарилган вақтда энг яхши назоратчилардан бири сифатида бир неча марта тилга олинишини қонуний ҳол деса бўлади. Халил — пропоршчиклар кенгашининг аъзоси, бинобарин, у ҳарбий бурдада кўл остидагиларига шахсан намуна бўлиши керак. Бу ерда турли миллатларга мансуб ҳарбий хизматчилар ягона оила аъзолари бўлиб хизмат қиладилар, улар бир-бирлари билан жуда иноқ. Х. Очилов ана шу муҳитни қўллаб-қувватлаш, авайлашни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билади.

Янги йилда жанговар ўқув борган сари қизғин тус олмақда. Ҳар доимгидек, ўз сўзининг устидан чиқадиған пропоршчик Х. Очилов жамоадаги кўллаб хайрли ишларни бошлаб берувчиси ва бевосита ижрочиси бўлмоқда.

САБАБИ НИМАДА ЭКАН?

Тинмай ёғиб турган қор ва кучли эсан шамол радиоприёмникнинг ишлашига ҳалақит берди. Телеграфчи оддий аскар Денис Сагатов эфирда жуда секин эшиталаётган товушларни илғашга ҳаракат қилиб наушникларни қулоғига қаттиқроқ босди. Барибир, фойдаси йўқ.

— Уртоқ пропоршчик! Жуда ёмон эшитилмоқда, — у радиостанция бошлиғи В.Шестаковга мурожаат қилади. Бошлиқ иккинчи радист, оддий аскар В.Трофимов билан биргаликда алоқа воситаларининг тугунларидан бирини тузатмоқда эди. Пропоршчикнинг сезгир бармоқлари радиостанция панелидаги зарур тугмача ва дастакларни ушлаб кўрди.

— Хўш, энди нима дейсан? — бир неча дақиқадан сўнг бошлиқ Сагатовдан сўради.

— Яхши эшитилмоқда, — оддий аскар Сагатов шундай деди ва радиоприёмникдан ахборотни узата бошлади.

— Нимага ишламай қолган экан? — қизиқиб сўради оддий аскар Трофимов. Бундай ҳол унинг навбатчилигида ҳам юз бериши мумкин.

Пропоршчик нимага бундай аҳвол юз берганини ва навбатчи радист нималарга эътибор бермаганини тушунтириб берди. Пропоршчик В.Шестаков бошқараётган радиостанциянинг кичик экипажи техник билим ва кўникмаларини ана шу тарикқа такомиллаштириб бормоқда, турли қийинчиликларга қарамай ўз олдига қўйилган хизмат вазифаларини муваффақият билан бажармоқда.

Кўрсатди. ...Постдан келган ташвишли сигнал қоровуллар бўлинмаси бошлиғини резерв гуруҳини олиб постга етиб келишга мажбур қилди. Оддий аскар Қодиров икки нотаниш киши тақидланган буюмларни объектга олиб киришга рухсат сўраб илтимос қилганлигини айтди. Аскар уларнинг берадиган порасига учмагач, дўқ-пўписига ўтишган.

Соқчи тўғри иш тутган. У қоровулхонага қайтиб, бу ҳақда сардорга хабар берган.

Ижтимоий-сиёсий иш ҳам собиткадамлик билан олиб боришмоқда. Назорат-ўтказиш пункти соқчиси оддий аскар Аскар Мўминов бўлинманинг ташвиқотчиси, хизматдан бўш вақтларда у жангчилар билан суҳбатлашади, уларни газетда босилган хабарлар билан таништиради. Зеро, ҳозир «Халқ сўзи» ва «Постда» газеталари ички қўшинлар жангчилари ҳақида кўп еза бошлашди. Бошқа бўлинмалардаги ҳарбий хизматчиларнинг маҳорат ва қатъият билан ҳаракат қилишлари еритилган материаллар ҳам тарбия ишида катта ердан бермоқда.

Оддий аскар Мўминов нафақат яхши ташвиқотчи, балки назорат ўтказиш пунктининг энг яхши соқчиси ҳамдир. У бадният кишиларнинг объектга тақидланган буюмлар билан киришга уринишларининг олдини бир неча марта олди. Бундай шахсларнинг ҳар қандай ҳийлаю найранглари соқчиларнинг қатъиятига бардош бера олмайди. У бир йил давомида хизматда орттирган тажрибасини еш аскар М. Омонкуловга ўргатмоқда. Аскар бир куни шундай деди: «Заҳирага кетар эканман ўринимга ишончли ўринбосар қолдираётганимдан хурсандман».

Кўп ўтмай автомашини тўхтади. Қоровуллар бўлинмаси бошлиғининг буйруғи янгради, жангчилар қузовдан тушиб объектга йўл олдилар.

Сержант Боқихонов ва унинг жангчилари жанговар топширикни бажаришга киришдилар.

Саҳифани катта пропоршчик Ш. КАРИМБОВ тайёрлади.

ЎТМИШСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

қўшинларнинг юқори даражада жанговар тайёргарлигини таъминлаш бўйича амалий вазифаларини бажаришга йўллаган ҳолда ижодий фойдаланиш маҳоратларига боғлиқдир.

Бунда зобитларни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тайёрлаш муҳим ўрин тутди. Ички қўшинлар бошқармасида зобитлар Р. Багаев, В. Бухтоев, Т. Соатовлар ана шундай тайёрлов гуруҳларига раҳбарлик қиладилар.

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик дастури ўзбекистонлик

раҳбарларининг тажрибаси катта роль ўйнамоқда.

Масалан, «Минтақада ҳарбий-сиёсий вазиятнинг хусусиятлари ва ҳарбий интизомни юқори жанговар тайёргарликда ушлаб туришда зобитларнинг вазифалари» мавзусини ўрганиш чоғида машғулотнинг иккинчи қисмини Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Марказий музейида ўтказишга қарор қилинди.

«Ўтмишсиз келажақ йўқ», — деб таъкидлади Президентимиз ўз нутқларидан бирида. Бу сўзларга

ҳикоялари муҳрланган магнитофон ёзувлари эшитиб кўрилди.

Халқимизнинг немис босқинчиларига қарши курашини ақс эттирувчи экспозициялар тингловчиларда катта таассурот қолдирди. Ички қўшинлар ва чегарачилардан ташкил топган 162-ўрта Осие Новгород-Северский дивизиясининг тарихи кенг намоиш этилган зал меҳмонларда жуда катта қизиқиш уйғотди.

Ички қўшинлар халқ комиссарлигининг 271-полки таркибиде Сталинград жангида



ҚОНЦЕРТ ҚОЙИЛМАҚОМ УТДИ

Майор Б.Бобожонов бошлиқ бўлган бўлинма жангчилари хизматдан бўш вақтларида зерикмайдилар.

Зобит раҳбарлигида фаоллар бир талай қизиқарли, асосийси фойдали ва зарур бўлган тадбирларни уюш-тирдилар ва ўтказдилар.

Яқинда улар хизматга энди-гина келган ёш аскарлар учун концерт ташкил этдилар. Бадний ҳаваскорларнинг раҳбари оддий аскар Б.Назаров ўртоқлари билан бирга концертнинг яхши ўтиши учун астойдил ҳаракат қилди.

Оддий аскар Т.Пиримовнинг доирада ижро этган усуллари ҳаммани қойил қолдирди. Сўнгра оддий аскарлар Б. Назаров рубоб, А. Исоқов аккордеон чалиб, Т. Пиримов ижро этган ашулаларга жўр бўлдилар. Б.Назаровнинг ширали овози тингловчиларнинг қалбларини забт этди, қарсақлар тинмасдан чалиниб турди.

Шуни айтиш керакки, бу ҳаваскор артистлар ярим йил-гина олдин ҳарбий форма кийган эдилар. Энди улар ўз ижодий салоҳиятларини ривожлантириш учун қўшинларда ҳам вақт ва имкониятлар мавжудлигини еш аскарларга намоиш этдилар.

Концерт қойилмақом ўтди, у томошабинлар хотирасида ҳам, ижрочилар хотирасида ҳам, узок вақт сақланиб қолади.

Яқинда В.Чижик раҳбар бўлган бўлинма жангчиларининг бирини кўргани онаси келган эди. Ўзгилни кўриб қувонган аёл дарҳол олиб келган совға-саломларини унга узатди.

— Сенга тарвуз олиб келдим, уни нақадар яхши кўришингни биламан, — деди у қувончини яшира олмай.

— Овора бўлибсиз-да, ойижон! Бизда ҳам тарвузлар доим бор. Тўғри, туз кам солинган, лекин жуда мазали.

— Ҳазиллашяпсан шекилли? — аёл ўзига ишонқирамай боқди.

Бу суҳбатни тасодифан эшитиб қолган ошхона бошлиғи пропоршчик Л.Ковшова аскарнинг онасини тузлаб қўйилган тарвузлар, булғор қалампери, помидорлар, бодринглар сақланадиган ёрдамчи хонани кўришга таклиф қилди.

Сержант Юнус Боқихонов хизмат қилаётган жойнинг об-ҳавоси оғир. Совуқ ҳаво доим эсиб турадиган, қишда қор ердан аримайдиган шаройтда соқчиликда туриш, хизмат вазифаларини бажариш осон эмас.

Бугун ҳам хавонинг авзойи бузуқ, шамол гир-гир эсади, анчагина совуқ, лекин сержант Ю. Боқихонов бошчилик қилаётган қоровуллар шахсий таркиби хушёр. Улар объектни кўриклаш бўйича жанговар вазифани бажаришлари керак. Жангчилар тезда машина қузовига чиқиб олдилар ва машина йўлга чикди.

ИШОНЧЛИ ЎРИНБОСАРЛАР ТАЙЁРЛАНДИ

Йўлда бораётган ҳар бир жангчи ўз хаёли билан банд, кимдир ота-онасини соғинган, кимдир севилисини эслади. Боқихонов эса бир кун олдин бажарилган топширик ҳақида ўйларди. Қоровуллар таркибини текширган рота сардори хизматнинг ташкил этилишидан мамнун бўлди ва яқунлар чиқарилишида ана шуни таъкидлади.

Юнуснинг хизмат қилаётганига бир йил бўлди. Яқиндагина Наманган вилояти, Турақўрғон туманининг «Наврўз» жамоа ҳўжалигидан армия сафига чақирилган йигитча хизматда қийинчиликлар кўп бўлишидан чўчиган эди. Унинг акалари Юсуф, Аваз армияда хизмат қилган бўлсаларда, ички қўшинлар сафиде эмас, балки бошқа бўлинмаларда хизмат қилган эдилар. Шу сабабдан ҳарбий хизмат ҳақида унинг билимлари оз эди. Акалари унга армия хизматида асосий нараса буйруқларини астойдил, пухта бажаришди деб ўқитган эдилар. Ана шундагина хизматдошлар ўртасида ҳурмат ва обрўга эга бўлиш мумкин.

ТОМОРҚАМИЗДА ЕТИШТИРИЛГАН

— Буларнинг ҳаммасини қаердан олдингиз? — хайрон бўлди меҳмон.

Ковшова бўлинманинг томорқасидан ўтган йили ўн икки тонна тарвуз, етти тонна қовун, бир ярим тонна помидор ва салкам тўрт тонна бошқа хил сабзавот олиганини айтди. Мўл ҳосил ёздан бошлаб кеч кузгача шахсий таркибни витаминларга бой зарур маҳсулот билан таъминлаш имконини берди.

Бу ерда қорва ҳам боқилади. Тўғри, молларнинг миқдори ҳали кўп бўлмасида озуқа топиш ҳам осон эмас.

Лекин маҳаллий ҳокимият идораларининг ёрдами туфайли қишлоқ муваффақиятли ўтмоқда. Даромадлар эса сезиларли: қоро-вулларнинг шахсий таркибига тунги вақтда қўшимча овқат беришмоқда.

Баҳор яқинлашиб қолди. Ҳозирданоқ бўлинманинг ҳўжалик ходимлари ижарага олинган ер участкасидан самаралироқ фойдаланиш хусусида ўйламоқдалар. Зеро кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш жанговар хизматда муваффақият келтиради.

Юнус хизматнинг биринчи кунлариданоқ таълим олишда, сардорларнинг буйруқларини бажаришда ўзи ҳам тиришиб ҳаракат қилиши зарурлигини тушунди. Натижа яққол кўзга ташланди. Бир йил ичида сержант бўлди, взвод сардорининг ўринбосари этиб тайинланди. Ҳозир у қоровуллар бўлинмаси бошлиғи — масъулияти катта бўлган вазифани бажаради.

Ўз қўл остидагилардан унинг кўнгли тўқ: қоровулликда қим ўз хизмат вазифаларини қандай бажараётгани яққол кўзга ташланади. Масалан, қоровуллар бошлиғи ердамчиси кичик сержант

Азамат Ражабовни олайлик. У Юнусдан анча олдин хизматга келган, тажрибаси катта, ҳамма ишда Юнусга ердан беришга ҳаракат қилади. Ҳа, ишнинг юришиб кетиши учун ўринли маслаҳат доимо зарур. Зеро, қоровуллар бошлиғи ердамчисининг вазифаси ҳам масъулиятли — у жанговар хизматни ташкил этишда, бўлинмада ҳарбий интизом ва тартиб бўлишида қоровуллар бошлиғига ердан бериши даркор. Объектга етиб келишлари биланоқ Азамат унинг тўсиқлари қандай аҳволда эканлигини текшириши, соқчиларни жой-жойига қўйиши, алоқа воситаларини кўздан кечириб чиқиши керак. Ёнингда ишончли ўртоғини бўлиши қандай яхши.

Барибир, ички қўшинлардаги асосий шахс соқчидир. Қоровуллик хизматининг муваффақияти у ўз вазифаларини қандай бажаришга боғлиқ. Айни шу сабабли олис ва қийин постларга оддий аскарлар З. Жўраев ва А. Низомидинов сингари тажрибали жангчилар юборилади.

Яқинда еш аскар Э. Қодиров хизматда намуна

ЗАНГОРИ ЭКРАНИДА

ДУШАНБА 14 ФЕВРАЛЬ

ЎзТВ I

18.00 "Бугун. Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Самарқанднинг мовий гўмбаз". Телефильм.
18.25 "Эстрада концерти". Алишер Икромов кўшиқлари.
18.55 Ёлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.15 Ёлонлар.
19.20 "Эл хизматида". Иссиқлик қувватларидан фойдаланиш.
19.40 "Бобурийлар изидан". Хужжатли фильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.50 "Ватанни севмоқ иймондандир...".
21.30 Мерос. "Қобуснома".
22.30 "Назм ва наво". Бобур лирикаси.
23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.15 "Билиб қўйган яхши".
19.35 "Излаган имконият топади".
20.05 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
20.35 "Бировнинг номида". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

6.45 "Тонг".
9.20 "Тингланг, томоша қилинг...".
9.40 "Турмуш икир-чикирлари". Бадий телесериал премьераси. 35-серия.
10.10 "Скрябиндан Леннонча...". Концерт.
10.25 "Иқболи кулганда".
11.05 "Уруш тугагунча тўққиз йил ичида". Телефильм. 1 ва 2-фильмлар.
12.00 Янгилар.
12.25 "Тадбиркор".
13.25 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Конькида югуриш спорти. 5000 м. Эркалар. Лиллехаммердан кўрсатилади.
14.25 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Чанги спорти. 30 км. Эркалар. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (15.00) — Янгилар (сурдо таржимаси билан).
17.00 Олимпиада кундалиги.
17.20 Халқ оҳанглари.
17.30 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Чана спорти. Эркалар. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
18.05 Янгилар (сурдо таржимаси билан).
18.25 "Истеъдодлар ва мухлислар".
19.15 "Хужжатлар ва тақдирлар".
19.25 "Йўлбошчи".
20.10 "Турмуш икир-чикирлари". Бадий телесериал премьераси. 35-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар.
21.40 "Фантазия". Телевизион бадий фильм.
22.45 Кичик концерт.
23.35 "Эльдорадо".
24.00 XVII қишки олимпиада ўйинлари. Хоккей. Россия. — Финляндия терма командалари. Лиллехаммердан олиб кўрсатилади.
02.30 "Туида дераза".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

